ISSN: 2181-1741 (print)
ISNN: 2181-1725 (online)
2024 / № 4

FILOLOGIK TADQIQOTLAR:
TIL
ADABIYOT
TA'LIM



Philological research:
LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

Филологические исследования:
ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

pholologicalresearch.uz

TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

Илмий-инновацион журнал

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2024/ № 4

Termiz – 2024

Muassis:
Termiz davlat universiteti

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020 yil 19 oktyabrda 1122 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Matnlarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko‘chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 26.04.2024
Qog‘oz bichimi: 70x85
Bosma tabog‘i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog‘ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri, Barkamol avlod ko‘chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko‘chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Rasmiy sayt:
https://journaltersu.uz

BOSH MUHARRIR:
Abduqodir TOSHQULOV, iqtisod fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY’ATI:

Bekpo‘lat Umurqulov, filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o‘rinbosari)
Shoxista Maxmaraimova, filologiya fanlari doktori, professor (mas’ul muharrir)
O‘ral Xoliyorov, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Olmos Ulviy Binnatova, f.f.d., professor (Ozarbayjon)
Karl Rayxl, f.f.d., professor (Germaniya)
Vali Savash yelok, f.f.d., professor (Turkiya)
Dorota Silviya, f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)
Muslihiddin Muhiddinov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Ibodulla Mirzayev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Abdi Mamatov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Suyun Karimov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Muhammadxon Hakimov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Nafas Shodmonov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dilmurod Quronov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Baxtiyor Mengliyev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Normat Yo‘ldoshev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Abdulla Xudoyqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Bobonazar Murtazayev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Asqar Eshmo‘minov, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Obidjon Shofiyev, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Zafar Umurqulov, f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O‘zbekiston)
Nurali Amonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Hakim Ahmedov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Ahad Shukurov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Eshnazar Jabborov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Abdumurod Arslonov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sirojiddin Turdimurodov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Umida Raximova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Gulchehra Begmatova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Shoira Amonturdiyeva, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Nargis Kurbanazarova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Muyassar Xolova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Zaynura Qodirova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)

Texnik muharrir: Bahodir To‘raliyev

Учредитель:
Термезский государственный университет

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 26.04.2024
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100. Цена договорная
Заказ: 155

Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
https://journaltersu.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
Абдукадир ТАШКУЛОВ, доктор экономических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Бекпулат Умуркулов, доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)

Шохиста Махмараимова, доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)

Урал Холияров, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)

Олмос Улвий Биннатова, д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Карл Райхл, д.ф.н., профессор (Германия)

Вали Саваш Елок, д.ф.н., профессор (Турция)

Дорота Сильвия, PhD, доцент (Польша)

Муслихиддин Мухиддинов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Ибодулла Мирзаев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Абди Маматов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Суюн Каримов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мухаммадхон Хакимов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Нафас Шодмонов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дилмурод Куронов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Бахтиёр Менглиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Нормат Юлдашев, к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Абдулла Худайкулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Бобоназар Муртазаев, ф.ф.н., доцент (Узбекистан)

Аскар Эшмуминов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)

Обиджон Шофиев, д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)

Зафар Умуркулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Нурали Амонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Хаким Ахмедов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Ахад Шукуров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Эшназар Джаббаров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Абдумурод Арслонов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Сирожиддин Турдимуродов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Умида Рахимова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Гульчехра Бегматова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Шоира Амонтурдиева, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Наргис Курбаназарова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Муяссар Холова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Зайнура Кадирова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Технический редактор: Баходир Туралиев

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President's Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 26.04.2024
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94. Offset printing.
Offset paper. Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155. Printed at the «Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
https://journaltersu.uz

EDITOR IN-CHIEF:
Abdukodir TASHKULOV, doctor of economic sciences, professor

EDITORIAL BOARD:

Bekpulat Umurkulov, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)
Shohista Makhmaraimova, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)
Ural Kholiyorov, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Olmos Ulviy Binnatova, doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)
Karl Rayxl, doct.of philol. sciences, professor (Germany)
Vali Salvash Elok, doct. of philol. sciences, professor (Turkey)
Dorota Silvia, PhD, associate professor (Poland)
Muslihiddin Mukhiddinov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Ibodulla Mirzaev, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Abdi Mmatov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Suyun Karimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muhammadkhon Khakimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Nafas Shodmonov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Dilmurod Kuronov, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Mengliev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Normat Yuldashev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Abdulla Khudaykulov, PhD (Uzbekistan)
Bobonazar Murtazaev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Askar Eshmuminov, doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Obidjon Shofiev, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Zafar Umurkulov, PhD (Uzbekistan)
Nurali Amonturdiev, PhD (Uzbekistan)
Hakim Akhmedov, PhD (Uzbekistan)
Ahad Shukurov, PhD (Uzbekistan)
Eshnazar Jabbarov, PhD (Uzbekistan)
Abdumurod Arslonov, PhD (Uzbekistan)
Sirojiddin Turdimurodov, PhD (Uzbekistan)
Umida Rakhimova, PhD (Uzbekistan)
Gulchekhra Begmatova, PhD (Uzbekistan)
Shoira Amonturdieva, PhD (Uzbekistan)
Nargis Kurbanazarova, PhD (Uzbekistan)
Muyassar Kholova, PhD (Uzbekistan)
Zaynura Kadirova, PhD (Uzbekistan)

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

YERJANOVA SAULE BAYMURZAYEVNA,
TO‘YCHIYEVA ZULEYXA HAMROQO‘LOVNA
Mahmud Koshg‘ariyning “Devonu lug‘otit turk”
asarida so‘zlarni ko‘chma ma’noda qo‘llash 7

BERDIYEV XUSAN XOLNAZAROVICH
«Devon-u lug‘otit turk»dagi she’rlarda
hojib va radif san’atlari 13

УМУРҚУЛОВ ЗАФАР БЕКПЎЛАТОВИЧ
Қиёслаш инсон тафаккур тарзининг маҳсули 16

ESHBOYEV QAHRAMON BAKIR O‘G‘LI
So‘zlararo darajalanish o‘quv lug‘atida so‘zlarga izoh berish 20

NAVRUZOVA MUYASSAR GAYBULLAYEVNA
Kasallik nomlarining onomasiologik, semantik ifodasi 24

BOZOROV HAMID XO‘SHMURODOVICH
Antroponimlarning lingvomadaniy xususiyatlari
(O‘zbek xalq ertaklarida mavjud antroponimlar misolida) 28

ДЖАББАРОВА ШОИРА БАЛТАЕВНА
Медиа тилида муқобилсиз лексика таснифлари: назарий ёндашув 33

KULTAYEVA FAZILAT BAXTIYAROVNA
Ergonimlarning morfologik derivatsiyasi xususida 36

HAYDAROVA KAMOLA DAVRANOVNA
O‘zbek, rus va ingliz tillarida meva nomlarining qiyosiy-chog‘ishtirma tahlili 39

TERMIROVA KAMOLA
Ziravor atamalar va ularning lug‘atlarda ifodalanishi 43

TURDIMURODOV SIROJIDIN ESHQOBILOVICH,
JABBOROVA SEVARA BAXTIYOR QIZI
Badiiy matnda evfemik birliklar tahlili 50

SOATOVA YULDUZ
Bobur she’riyatida ayol qaddi-qomatini ifoda etuvchi lingvistik vositalar 53

ТОЛИЕВА ШОИРА ИЛХОМОВНА
Лингвистик экспертиза методларининг тамойиллари 57

AVRIDDINOV JOBIR MUSULMON O‘G‘LI
Sharq olimlarning «Zufongo‘yo va Jahonpo‘yo» lug‘atida ilmiy qarashlari 59

ДАВЛЯТОВА ЭЛЬВИРА МУРАДОВНА
Парадигматические свойства иноязычных лексических единиц
в русском и узбекском языках (на материале интернет медиа) 61

МУНДАРИЖА

ЗАРИПОВА МАТЛУБА КУЛФИДИНОВНА
Концепт «богатство» во фразеологизмах
и паремиях узбекского и русского языков 64

РАДЖАПОВА НАТАЛЬЯ БАЗАРОВНА
Эволюция лексических единиц обозначающих мужчин и женщин 67

QULMAMATOVA MUATTAR OTABEK QIZI
Ingliz va o‘zbek maqollarida “boylik” konseptining chog‘ishtirma tadqiqi 70

FARZANA NABI,
ABDULLA XUDAYQULOV ESHQUVVATOVICH
Official documents in dari language, its translation challenges 73

ЖАББАРОВА НАРГИЗА ИСЛАМЖАНОВНА,
РАДЖАПОВА НАТАЛЬЯ БАЗАРОВНА
Влияние гендерной лексики на сознание и поведение людей 76

ADABIYOTSHUNOSLIK

ARSLONOV ABDIMUROD KARAMATOVICH
“Qissasi Rabg‘uziy”da xalq og‘zaki ijodi syujetlari va motivlari 80

КАЗАКОВА ГУЛАСАЛ КУРАЛОВНА
Эссе жанрида шахс концепциясининг бадиий-публицистик талқини 82

LOLAYEV SHUXRAT ALIQOBIL O‘G‘LI
Turkistonda “Usuli jadid” maktablarining shakllanishi va ahamiyati 84

USMONOVA MOHIDIL LAZIZ QIZI
Ravnaq g‘azallari tabdilidagi matniy tafovutlar 87

TA’LIM

ABDUQAYUMOVA NARGIZA RAIMOVNA
Bo‘lajak rus-tili o‘qituvchilarni innovatsion pedagogik faoliyatga
tayyorlash jarayonlarini takomillashtirish metodikasi 90

tural environment of its time, literary-aesthetic tasks are revealed; The role of folklore in Rabguzi's literary heritage, in particular, the influence of fairy tales on stories.

Резюме: В данной статье исследуется влияние народного устного творчества на формирование рассказов в «Кисаси Рабгузий», которая является важным источником для формирования повествования в литературной среде Золотой Орды. Раскрывается большинство литературных жанров в литературной среде Золотой Орды, в том числе относительная активизация повести как необходимости и необходимости общественно-политической и литературно-культурной среды своего времени, литературно-эстетические задачи; Роль фольклора в литературном наследии Рабгузи, в частности влияние сказок на рассказы.

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, та'lim. 2024; 4
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

ЭССЕ ЖАНРИДА ШАХС КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ БАДИИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ТАЛҚИНИ

Казакова Гуласал Кураловна,
Урганч инновация университети ўқитувчиси

90-йиллар адабиёти, хусусан, танқидчилик йўналишида сохта тамойиллардан қутулиш, уларнинг ўрнига бадиият қонуниятларини ўзида мужассамлаштирган, эркин фикр юритишга имкон яратадиган принципларни илгари суриш истаги пайдо бўлди. Истиқлолдан кейинги даврда яратилган бадиий адабиётнинг кўлами ҳам шахс концепциясининг бадиий ифодаси асосида, ёзувчи маҳорати, бадиий таҳлил жараёнида ижодкор руҳияти ва қаҳрамонларнинг турли хил характер хусусиятларини талқин этиш жараёнлари билан узвий боғланади. Бу янгича ёндашув адабиётшунослик фанлар тармоғидаги адабий танқидчилик ва унинг жанрлари, хусусан, эссечилик йўналишидаги назарий манбаларни ҳам янгилаб, бу борадаги ижодкорнинг поэтик маҳорати ҳақидаги қарашларни умумлаштириш имконини беради.

Бу ҳақида Ҳ.Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз: "Санъат, бадиий асар орқалигина кишининг қандай инсонлигини англаш мумкин. Сабаби ундагина кишининг ички олами, ҳаётга қараши, олам ва одам хусусидаги ўй-фикри ўз ифодасини топади, бутун сиймоси кўз ўнгида гавдаланади"[1]. Истиқлол йилларида ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар адабий танқид тафаккурида ҳам янгиланишларга туртки берди. Жумладан, адабий танқид фаоллашган, мавзу доираси кенгайиб, бошқа фанлар билан алоқаси мустаҳкамланган. Айниқса, адабий танқид фаолиятида миллий уйғониш адабиёти ва унинг етакчи намояндалари ижодини қайта ўрганишга қизиқишнинг кучайиши, шўро даврида яшаб ижод этган, бу давр адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган адиблар ижодини янгича принциплар асосида баҳолаш адабий танқиднинг муҳим тамойилларидан ҳисобланган.

Адабий танқид жанрлари адабий этюдлар, адабий-танқидий мақолалар, эсселар, адабий портретлар зиммасига мана шундай масъулиятли топшириқ юклатилиши назарда тутилган. Бу ҳақида "Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи" китобида шундай ёзилади: "Шўро йилларида яратилган адабий портретларда ёзувчининг фақат ижоди марказда тутилиб, унинг инсоний фазилатлари, ҳаётидаги драматизм, оила, муҳит каби масалаларга кам эътибор берилди"[2] ва айнан шу мавзуга доир Қ.Йўлдошев ижодида ҳам қатағон қурбонлари сиёсати сабабли ижод аҳлининг дунёқараши,

[1] Каримов Ҳ. Ўзбек романларининг тараққиёт тамойиллари. Услубий қўлланма. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. – Б. 33.

[2] Nazarov B., Rasulov A., Ahmedova Sh., Qahramonov Q. O'zbek adabiy tanqidchiligii tarixi / Darslik. – Toshkent: 2012. – B. 276.

инсон сифатидаги қизиқишлари инобатга олинмаганлиги, яратилаётган асарлар ҳам худди ўша давр мафкурасини четлаб ўта олмаганлиги боис ёзувчилар ижод олами бирон жойда тилга олинмаслиги, ижодкор сифатидаги дунёқарашлари ҳам сирлигича қолиб кетганлиги таъкидланади. Бу эса адабий танқид олдига ижодкорнинг аввало бадиият оламини кашф этиш, сўз ёрдамида уларнинг дил тубида қолиб кетган орзу ва армонларини қаламга олиш мажбуриятини қўяди.

Адабий танқиднинг янги концепциясига мувофиқ бадиий адабиётда даставвал жадидчилик ҳаракати вакиллари фаолиятини ёритган адабий портретлар яратилиб адабий танқидда бу даврда системали ёндашувнинг сифат жиҳатдан янгиланган намуналари яратилди. Кейинги давр танқидчилигида адабий ҳодисаларга тарихийлик принципи асосида ёндашув кучайган бўлиб, бу метод эссечилик йўналишида ҳам қатор янгича асарлар яратилишига, тарихий анъаналар асосида янгича жанр талқинига кўмак берди. Эссе жанрида инсон концепцияси бош мавзу қилиб кўтарилганлиги, мустақиллик ва ундан кейинги йилларда яратилган хотираларга архив материаллари асосида ёндашув кучайган даврда кенг ёритилди. Жумладан, Қодирий, Фитрат, Чўлпон биографиясига тааллуқли, бироқ яшириб келинган маълумотларнинг далил сифатида келтирилиши, ижодкорларнинг шахс сифатидаги камолотига эътибор қаратиш орқали асар ғояси ифода этилди. Бундай маълумотларни янгича нуқтайи назар, янгича концепция билан тадқиқ этишга ҳаракат қилиш яратилаётган асарлар, хусусан, эсселарда шахс концепцияси муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат. Жадидчилик ҳаракати намояндалари ижодига бағишланган кузатиш ва таҳлилларда қадриятли ёндашув етакчилик қилади. Яъни ижодкорлар асарларини миллий қадриятларимиз гўзал намунаси, қолаверса ўзбекона дунёқараш эгаси – инсон концепциясини тўлақонли ўрганишга асос бўлди.

Ижодкор сиймоси, асар яратилишига монанд воқеалар, ёзувчи дунёқарашининг акс эттирилиши мунаққид, олим М.Қўшжоновнинг “Нафосат шайдоси”, “Абдулла Орипов”, “Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман!”, “Эшитинг, шеър ўқийман”, “Ижодий етуклик”, “Қалб поклиги”, “Кичкинтойларнинг улкан шоири”, “Дагиш”, “Алам” каби адабий портрет ва хотираларида, Ш.Холмирзаевнинг “Жамиятнинг мақсади, яъни мафкура бобида ўйлар” номли эсселарида дуч келамиз.

Истиқлолдан кейинги йилларда адабий тур ва жанрларнинг барчасида бўлгани каби эссе йўналишида ҳам мавзу ва ифода усули ўзгачаликни касб этган, бадиий адабиёт йўналишида ҳам шахсга қаратилган усул етакчилик қилди. Адабий танқид моҳиятига хос хусусиятларидан яна бири ҳаёт ва адабиётни ўрганиш, таҳлил этиш баробарида танқидчилик йўналиши бироз олдинда юрмоғи лозим. Айнан мана шу тамойил эсселар марказида аввало инсон, унинг ўй-фикрлари туришини таъкидлайди. Шахс сиймосини гавдалантиришда умумбашарий мезон ва концепцияга асослана бошлаган тизим йўлга қўйилганки, адабий танқиднинг ушбу босқичи беқиёс илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Давлатимиз тараққиётининг асосини ҳам жамият ва шахс предмети ташкил этиб, юрт келажаги бу ерда истиқомат қилаётган халқнинг бахт-саодати уларнинг фаровон турмуши билан белгиланаркан, бадиий адабиётни ҳам бундай долзарб мавзудан бутунлай холи тасаввур қилиш қийин. Зеро, жамиятда бўлаётган ҳар бир ўзгариш сабабчиси, ихтирочиси, яратувчиси инсоннинг ўзидир.

Мустақиллик халқнинг азалий орзуси, адабиётнинг тараққиёт нуқтаси ҳисобланаркан, истиқлол берган неъматни қадрлаш ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчидир. Бадиий адабиёт айнан мана шу жиҳатларни қамраб олади. Инсониятнинг камолот йўли табиатда, жамиятда, адабиётда муштарак ҳисобланаркан, инсон мавқеи ҳар соҳада асосий ўринни эгаллаши лозим. Бу ҳақида адабиётшунос олим Н. Раҳимжонов шундай дейди: “Инсон қаердаки хор бўлса, ўша жойда тараққиёт сўнади. Ёки орқага кетади. Бош мезон – бу инсон. Инсоният салоҳияти учун зарур бўлган икки шарт бизда мавжуд: имон азизлиги ва мулк азизлиги”[1]. Табиатни, жамиятни, инсонни тушуниш хилма-хил бўлганидек, бадиий тафаккур тарзлари ҳам инсонни идрок ва ифода этишда муҳим ўрин тутади.

Ижодкорлар яратган эсселарнинг илк намуналарини адабиётшунос олим Н.Раҳимжонов мемуар адабиёт билан боғлаб кўрсатаркан шундай қайдлар учрайди: “Хотиралар, эсдалик-эсселар, ён дафтар қайдлари, кундаликлар санъаткорларнинг ижодий лабораториясига йўл очишига, тарихий-адабий ҳамда бой биографик маълумотлар беришига кўра адабиёт илмида муҳим аҳамият касб этади”[2]. Илмий-ҳужжатли мемуаристиканинг жанр турлари сифатида хотиралар, эсдалик-эсселар, кундаликлар, ён дафтар қайдларини келтирар экан, бу ўзгаришлар адабиётшунослигимиз ривожида муҳим манба эканлигини қайд этади. Бу адабиёт марказини шоир ва ёзувчиларимизнинг ижодий лабораториясини ўрганиш, бадиий маҳо-

[1] Rahimjonov N. Badiiy asar biografiyasi. – Toshkent, 2008. – B. 201.

[2] Rahimjonov N. Ilmiy tafakkur jilolari. – Toshkent, 1991. – B. 4.

рат сирларини очиш, тажрибаларини умумлаштириш тақозоси сифатида замондошларимизнинг маънавий эҳтиёжи дея аташимиз мумкин.

Бизнингча, мустақилликдан аввал вужудга келган эссе жанри адабий танқиднинг катта ютуғи сифатида эътироф этилар экан, истиқлол йилларида инсон концепцияси ва унинг шахс сифатидаги камолоти жамият тараққиёти омили эканлиги, адабиёт эса маълум маънода жамиятнинг бир бўлаги эканлигини эътироф этишимиз лозим. Ижодкор дунёқараши, поэтик олами, воқеликни бадиий-эстетик кашф қилиш жараёни адабий танқид тамойилларидан бири бўлиб, инсон образининг акс эттирилиши адабиётда долзарб масала эканлиги барчага аён.

Resume: A lot of literature has been written about how the concept of a person is artistically expressed in the essay genre, particularly in literary works written following the period of independence. It was observed that the human notion in the essay genre is interpreted through the writer's competence, inventive energy, and other hero characteristics during the artistic analysis process.

Резюме: О том, как художественно выражается понятие человека в жанре эссе, написано много литературы, особенно в литературных произведениях, написанных после периода независимости. Замечено, что в жанре эссе человеческое мышление интерпретируется через компетентность, изобретательскую энергию и другие характеристики героя в процессе художественного анализа.

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 4
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

TURKISTONDA "USULI JADID" MAKTABLARINING SHAKLLANISHI VA AHAMIYATI

Lolayev Shuxrat Aliqobil o'g'li,
Termiz davlat universiteti o'qituvchisi

XX asr boshlarida Turkistonni jaholatdan qutqarish uchun jadid ma'rifatparvarlari maktab ta'limini isloh qilish millatni taraqqiyotga da'vat etuvchi dasturlar ishlab chiqdilar. Jadid ma'rifatparvarlari tashviqotlarining dastlabkisi bu "usuli jadid" maktablarini tashkil etishlari edi. Jadid maktablarini tashkil etishda, albatta, Ismoilbek Gasprinskiyning o'rni beqiyosdir. Butun Turkiston o'lkasi Ismoilbek Gasprinskiyni o'ziga ustoz bildilar. Uning sayi harakatlari natijasida barcha musulmon bo'lgan Turkiston o'lkasida, avvalo, til va din birligi millat va milliyat tushunchalari umumiy mushtaraklikni hosil qildi, hamda bu umumiy bir g'oyani, maqsadni shakllantirdi. O'zbek jadid adabiyoti davrida umumiy bir g'oya, maqsad sari intilish adabiyotimizda milliy koloridni shakllantirdi. Professor Bahodir Karimovning fikrlariga ko'ra: "XX asr boshlarida vujudga kelgan yangi o'zbek adabiyotining bir avlodi "Tarjimon" gazetasini o'qib o'rgandi, fikri ochildi, millatni tanidi va erkni qo'msadi", - degan edi. Zero Ismoilbek Gasprinskiy "Tarjimon" gazetasi orqali butun musulmonlar o'lkasiga o'z fikr va qarashlarini, maqsadlarini, jadid adabiyotining mazmun mohiyatini anglata borgan edi. Professor Begali Qosimov izohiga asosan: "Vaziyatni o'zgartirmoq uchun avval uni anglatmoq zarur. Buning uchun bir minbar zarurdir "Tarjimon" esa mana shu minbar vazifasini o'tadi", – deya "Tarjimon" gazatesining vujudga kelish zaruratini keltirib o'tadi. Barcha Turkiston jadidlari Ismoilbek Gasprinskiyni o'zlariga ustoz bildilar va uning maqsad va g'oyalari bilan mushtaraklikni hosil qilganlikni ko'ramiz. Jadidlar xalq ma'naviyatini uyg'otish yo'lidagi eng birinchi islohati yangicha ta'lim tizimiga asoslangan "usuli jadid" maktablarini ochish va bu maktablar uchun darsliklar yaratishdandan boshladi.

"Ismoilbek Gasprinskiy 1884-yildan "Tarjimon" gazetasida «usuli jadid» maktabini ochish, maorif tizimini tubdan isloh etish maqsadidagi g'oyalarini